

Енгил автомобилларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича

ШАРТНОМА № 29

Тошкент ш.

16.03 2022 й.

Устав асосида фаолият кўрсатаётган «FARZONA-NTD SERVIS» МЧЖ директор Хайруллаев Х.Х. «Бажарувчи» сифатида ва Низом асосида ҳаракат қилувчи "Тошкент вилоят "Фоксфаст" А.А. Келимов «Буюртмачи» сифатида, қуйидагилар ҳақида шартномани туздилар.

1. Шартноманинг предмети.

1.1.«Буюртмачи» топширигига биноан «Бажарувчи» белгиланган муддатда, буюртмага ва тупланган хажмга асосан, енгил автомобил жорий таъмирлаш ва техник хизмат курсатишни уз зиммасига олади.

2. Шартноманинг шартлари.

2.1.«Бажарувчи» «Буюртмачи»дан унинг ёзма талабига биноан енгил автомобилни таъмирлаш ва техник хизмат курсатиш учун қабул қилади.

2.2.Техник хизмат курсатишнинг тури, таъмирлаш ишларининг руйхати ва баҳоси «Бажарувчи» томонидан аникланади ва «Буюртмачи» билан келишилади.

2.3.Техник хизмат курсатиш ва таъмирлашнинг муддати **ООО «FARZONA-NTD SERVIS»** булинмаларида енгил автомобилларни таъмирлаш ва техник хизмат курсатиш» ҳолатида аникланган ва у қуйидагиларни уз ичига олади:

- техник хизмат курсатиш – икки кундан ошмаслиги;
- капитал ва жорий таъмирлаш (кузовдан ташқари) – 5 кундан ошмаслиги;
- қасқани шилган ҳолда қасқалаш ишлари – 5 кундан ошмаслиги;
- мураккаб қажжава-пайванд ишлари қасқалаш ишлари билан биргаликда – 8 кундан ошмаслиги шарти билан.

Шартнома газначилиқдан руйхатдан утқандан сунг 5 банк иш куни ичиди шартноманинг умумий қийматидан 30 % фойз миқдориди олдиндан тулов амалга оширилади ва «Бажарувчи» нинг ҳисоб рақамига келиб тушгандан сунг таъмирлаш ишлари бошланади.

2.4.Шартнома мажбуриятлари бажарилмаган ҳолатларда иккала томон конун асосида жавобгар ҳисобланади.

2.5.«Бажарувчи» автомобилларни қафолатли таъмирлашни уз зиммасига олади. Бажарилган ишларни қафолати енгил автомобилларни таъмирлаш ва техник хизмат курсатиш ҳолатига қафолат-беради. Бажарувчи томонидан урнатилган эҳтиёт қисмларга ва механизмларга Бажарувчи 10 кун (ун кун) қафолат муддатини Бажарилган ишлар далолатномаси имзоланган кундан бошлаб беради.

2.6.Томонлар шартнома мажбуриятларини амалга ошириш учун барча зарур имкониятларини ишга солади.

3. Автомобилларни таъмирлаш ва уларга техник хизмат курсатиш таркиби.

3.1.«Бажарувчи» «Буюртмачи»нинг автомобиллини таъмирлаш учун уз омборида мавжуд, фақат янги эҳтиёт қисмларидан фойдаланади.

3.2.«Бажарувчи» УзДСТ 1049-2003 ва енгил автомобилларни таъмирлаш ва техник хизмат курсатиш ҳолатларига биноан автомобилни жорий таъмирлайди ва техник хизмат курсатади.

3.3.Бажарилган ишнинг баҳоси енгил автомобилларга хизмат курсатишнинг белгиланган нархи, таъмирлаш ва эҳтиёт қисмларининг умумий нархига асосланиб белгиланади.

3.4.Автомобилларни техник хизмат курсатиш, уларни таъмирлаш, эҳтиёт қисмлар ва анжомлар йул ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги норматив ҳужжатлар, ГОСТ ва ТУ талабларига мувофиқ булиши керак.

4.Хизмат курсатиш ва таъмирлашнинг нархи, ҳисоб-китобларнинг тартиби.

Шартноманинг умумий қиймати 98 336 140 (тўқсон сақиз миллион уч юз ўттиз олти мингбир юз қирқ) сум

- 4.1. Жорий таъмирлашнинг бахоси бажариладиган ишнинг шартнома илова хисобланган прейскурант нархи ва нуқсон далолатномасига асосан аникланади.
- 4.2. «Буюртмачи» «Бажарувчи»нинг хисоб рақамига автомобилни таъмирлаш учун олдиндан тулов 30% миқдоридан пул утказгандан кейин «Бажарувчи» таъмирлаш ишини бошлайди.
- 4.3. Автомобил таъмирлангандан сунг «Буюртмачи» уни уч кун ичида қабул қилиб олади ва қолган 70% пул туловини иш бажарилганлиги тугрисидаги ҳисоб-фактурага асосан амалга оширади.

5. Томонларнинг масъулияти.

- 5.1. Томонлар орасида шартномага асосланган ёки асосланмаган ҳолда қилиб чиққан низолар умумий қоидалар ва процедуралар асосида ҳал қилинади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида»ги қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.
- 5.2. Агар «Бажарувчи» техник хизмат курсатиш ва жорий таъмирлаш ишларини томонлар ўртасида қилишилган муддат ичида бажармаса, у «Буюртмачи»га бажарилмаган ишнинг ҳар қунига 0,5 фоиз улчовида пеня тулайди. Бироқ пеня бажарилмаган ишларнинг умумий миқдорининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.
- 5.3. Агар «Буюртмачи» автомобиль урта тамирланганидан кейин ҳақни ўз вақтида туламаса, ҳар бир кун учун кечиктирилган тулов сумманинг 0,4 фоизи миқдоридан, аммо кечиктирилган тулов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдоридан пеня тулайди.

6. Форс-мажор ҳолатлари буйича.

- 6.1. Тарафлардан бири шартномани форс-мажор ҳолатлари, яъни енгиб бўлмайдиган қуч (фавқулотда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар қилиб, сув тошқини ва бошқа табиий офатлар) туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа, жавобгар бўлмайди.

7. Шартноманинг амал қилиш муддати.

- 7.1. Ушбу шартнома имзолангандан сунг қучга қиради ва «31»_декабрь_ 2022_йилгача амал қилади.
- 7.2. Шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, унинг бир нусхаси «Бажарувчи»да, иккинчи нусхаси «Буюртмачи»да бўлади. Уларнинг иккаласи ҳам тенг ҳуқуқли юридик қучга эга.

8. Коррупцияга қарши шартлашу

- 8.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир томони ўзига нисбатан қўланиладиган барча шу жумладан Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларидаги Коррупцияга қарши тегишли шартлар ва талабларни тушуниш ҳақида бир бирини ишонтиради ва уларга амал қилишни қафолатлайди. Истемолчи ушбу шартнома амалда бўлган бутун давр мобайнида (шунингдек унинг мансабдор шахслари директор ходимлари агентлари ва бошқа вакиллари) таъминотчи қорхонанинг манфаатлари унинг агенти ёки вакили сифатида ҳаракат қилиб таъминотчи қорхонанинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларни Коррупцияга қарши тегишли шартлари ва талабларига қатий риоя этиш мажбуриятини олади.

9. Юридик манзил, Банк реквизитлари ва томонларнинг имзоси.

«Бажарувчи»

ООО «FARZONA-NTD SERVIS»

Тошкент шаҳар, Катортөл
1-пр. 1-уй тел. 278-28-74

X/p 20208000904720241001

ЧЗАКБ «DAVR-BANK» Чиланз.ф.

МФФ 01046. ИНН 300889974

ОКОНХ 14933. ОКЭД 45201



«Буюртмачи»



Ноникқуров. Б